

УЎК (УДК, UDC) 63.5995.+633.

**ПАТИССОН (*Cucurbita pepo var. melopepo*) СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН  
БОШЛАНҒИЧ МАНБА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЙИҒИШ ВА F 1  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**Кенжаева Тўлғоной Раҳмоновна,**

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий –тадқиқот институти

таянч докторанти,

Тел: +99-899-572-91-33

[kenjayeva67@mail.ru](mailto:kenjayeva67@mail.ru)

Нурматов Норқобил Жўраевич,

илмий маслаҳатчи қ.х.ф.д.

**АННОТАЦИЯ.**

Мақолада патиссон ўсимлигининг гибрид дурагайларини яратиш учун бошланғич материални танлаш ва ўрганиш ҳақида маълумотлар берилган. Буни амалга ошириш учун бир қанча вазифаларни бажариш кўзда тутилган. Тадқиқот қуйидаги методик кўрсатмалар асосида олиб борилди. Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов (Брежнев Д.Д., 1982), Методика полевого опыта (Доспехов Б.А., 1985), Методика полевого опыта и овощеводстве и бахчеводстве (Белик В. Ф., 1979), Методика государственного сортоиспытания сельско хозяйственных культур (1975).

Тадқиқот давомида патиссоннинг 33 та нав намуналарининг морфологик хусусиятлари батафсил ўрганилди. Ўсимлик турига кўра, бутаси тик ўсувчи патиссонлар турига Солнишко, Самбреро, Нежное парфе, Учар лycopчa, Копейка, Карапуз ва бошқаларни киритиш мумкин. Поясини шохланиш типи бўйича нозик ва ўртача патиссонларга Марсианин, Патиссон Наф-наф, Деликатесни киритиш мумкин. Ўсимликни туп шакли бўйича очик ва ярим очик буталарга бўлинади. Очик формасига 27-29 та баргдан иборат бўлган Пятичокни, 28-30 баргдан иборат Солнишко кальчуга, Цветное триони киритиш мақсадга мувофиқ.

Қимматли хўжалик белгиларини юқорилиги бўйича қуйидаги турлар ажратилди: Пятичок, Самбреро, Марсианин, ўртапишарлиги бўйича Диск ва Чебурашка. Ҳосилдорлигини юқорилиги бўйича Самбреро- 9.47 кг\м<sup>2</sup>, Пятичок -7.08 кг\м<sup>2</sup>, Мини крошка -6. 16 кг\м<sup>2</sup>. Солнишко- 5.58 кг\м<sup>2</sup>. Цветное

трио-2. 56 кг\м<sup>2</sup>. Деликатес- 1. 65 кг\м<sup>2</sup>. Кимёвий таркибининг юқорилиги бўйича Пятчок, Марсианин турлари аниқланди.

**Калит сўзлар.** Ҳосилдорлик. Маҳсулдорлик. Қимматли хўжалик белгилар. Эрта пишар. Эртанги ҳосилдорлик. Биологик ҳосилдорлик.

**Кириш.** Полизчиликнинг асосий вазифаларидан бири аҳолини йил давомида полиз меваларига бўлган талабини қондириш, юқори технологиялар, механизацияни қўллаб, сарф-харажатларни камайтиришдир.[8]. Ўзбекистон асрлар давомида сабзавот ва полизчилик кенг ривожланган минтақалар қаторига киради. Соҳа мутахассислари олдида Ўзбекистонда полиз экинлари ичида янги дурагай экин патиссоннинг янги навларини Ўзбекистон жанубида экишга мослаштириш ҳамда ундан мўл ҳосил олиш, уни фойдали хусусиятларини аҳолига тушунтириб етказиш, ундан олинадиган потециал ҳосилини янада ошириш, аҳолини полиз мевалари билан мумкин қадар узокроқ вақт таъминлаш, бунинг учун эса эртапишар, касалликка чидамли ва узок вақт сақланувчан навлар яратишдек муҳим масала турибди.[5]. Патиссоннинг 2 та нави ( Оқ-13, Заркокил) 1988 йилда Ўзбекистонда яратилди, уларнинг агротехникаси ишлаб чиқилди. Патиссоннинг Европа давлатларида экиладиган сифатли нав намуналарини Ўзбекистон жанубий минтақаларида экишга мослаштириш ва уларни дурагайлаш туфайли янги иссиқ иқлимга мослашган, серҳосил, касаллик ва ноқулай шароитларга чидамли навларни яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир.[1].

Тажириба қўйилган Сурхондарё вилоятининг сахро минтақасига кирувчи суғориладиган, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва тақир тупроқлар тарқалган бўлиб, ушбу минтақа иқлими кескин ўзгарувчан, йиллик ёғингарчилик миқдори 100-200 мм ни ташкил этиб, унинг асосий қисми (50-52%) кеч куз ва қишда ёғади, март апрел ойларидаги ёғингарчилик 37-40% дан ошмайди. Воҳанинг чўл қисмида ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, йиллик ўртача 18 °С, айрим туманларда 19-20 °С га етган йиллар ҳам мавжуд. Мавсумда вилоятнинг жанубий туманларида ўртача ҳаво ҳарорати 25,6–28,7 °С ни, ёзда 35 °С ни, кунлик 39-42 °С ни ташкил этади. Бу ерларда энг юқори ҳарорат +40-50 °С, энг паст -20 °С атрофида бўлиши кузатилган, йил давомида 260-270 кунлар иссиқ бўлиб, ёғингарчилик миқдори 127-170 мм, мавсумда эса 30-40 мм, нисбий намлик мавсумда 30-40% баъзи ойларда 18-20% гача пасаяди. Термиз гуруҳи туманларида чанг-тўзонли кунлар,

шамоллар кўп бўлиб, ёз пайтида ҳавонинг нисбий намлиги 9-10% гача пасайиши мумкин.

Патиссоннинг ёш меваларининг истеъмол қилиниши сабаблари - бу мевалар парҳез маҳсулот бўлиб, уларни ҳам янги узилганлари истемолга тавсия этилади, ҳамда 5-7 кунлик мевасини қайта ишланган ҳолда озиқ-овқатга ишлатиш мумкин. Шу билан бирга, патиссон мевалари таркиби витаминларга бойлиги ва шифобахш хусусиятларга эга бўлганлиги учун улардан табобатда фойдаланиш мумкин. Патиссоннинг маҳаллий, касалликларга чидамли, комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга, дурагайлари ҳамда уларни уруғчилигини ташкил қилиш мақсадида тадқиқот олиб борилди. [8].

1. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида етиштирилаётган патиссоннинг турли нав ва дурагайлари орасидан яқка танлов асосида танланган нав ва дурагайлари ажратиб олинди.

2. Патиссонни нав ва дурагайлар селекцияси учун ота-оналик шакллари танлаб олинди.

3. Патиссонни ота-оналик шакллари комбинацион қобилятини ўрганиш натижасида диаллел услубда чаптириш ва дурагайлар олиш мақсад қилинди

**Тадқиқот методлари:** Барча вариантлар бир майдонга жойлаштирилади. Баҳорги муддатда ва қатор ораликларида экиш режалаштирилган майдонлардаги ўсимликларни ўсув даврида қуйидаги: ҳаво ва тупроқ ҳарорати, уруғнинг униб чиқиши ва кўчатлар сони, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, мевасининг тузилиши ҳамда мевалар вазни, барглар юзаси ва барг пояларининг вазни, касаллик ва зараркунандалари ҳамда ҳисоблаш изланишлари, Белика В.Ф. «Методика опытного дела в овощеводстве и хозяйстве». М., ВО Агропромиздат, 1992, Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси”.-Т.:ЎЗМЕ, 2002. Ушбу методикаларга асосланиб олиб борилди.

**Натижалар.** Изланишлар 2022 йилдан то 2024 йилгача Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станциясида олиб борилди. Тажриба станцияси Сурхондарё вилояти Термиз тумани Намуна СИУ ҳудудида жойлашган. Тадқиқот материали бўлиб, патиссоннинг 33 та нав намуналари хизмат қилди. Уруғларни очик майдонга экиш ишлари апрел ойининг 2 чи ўн кунлигида амалга оширилди. Ҳар бир нав намуналаридан 10 донадан кўчат 70x70 схемада экилди.

Тажриба делянкалари ораси 5 м<sup>2</sup>. Тажрибалар 2022 йилда қайтариқсиз, 2023 йил ва 2024 йилда 3 қайтариқли тартибда ўтказилди. Назорат варианты сифатида оқ рангли патиссонлар учун Оқ- 13, Сарик рангли патиссонлар учун Карапуз, Яшил рангли патиссонлар учун Арбузинка нави олинди. Сунъий чанглангириш ишлари май ойининг 2-3-ўн кунлигида олиб борилди. Чанглатилган эркак ва урғочи гуллар ҳаво ўтказадиган тўр халтачалар билан изоляция қилинди. Чанглангириш эрталаб соат 8 дан то 12 гача бўлган ораликда олиб борилди. Уруғларни йиғиб олиш ишлари июн ойининг 3 ўн кунлиги ва июл ойининг 1 ўн кунлигида амалга оширилди. Ҳосилни йиғиш ва ўлчов ишлари ҳафтада 2 марта олиб борилди. Патиссон мевалари техник пишганда терилди. Патиссон вегетация даврида фенологик кузатувлар олиб борилди.

№	Танланган навлар	Афзаллик белгилари	Чатиштириш схемаси	Олинган натижалар
1	Самбреро	Эрта пишар. Туп ҳосил қилади. 42-45 кунда пишиб етилади. Ҳосилдор. 6-7 кг\м <sup>2</sup> . Касалликка чидамли, оқ рангда. Четлари тишчали.. Товарбоп. Мева кўриниши чиройли	Самбреро X SUN	Эрта пишар. Ҳосилдорлиги 6-7 кг\м <sup>2</sup> . 38-42 кунда пишиб етилади. Касалликка чидамли. Мева эти оқ. Четлари тишчали. Жимжимадор. Товарбоп.
2	Диск	Эрта пишар, нав. Мева ранги оқ, биологик етилганда 400-900 гр. Ҳосилдор нав.	Диск X Летающая тарелка	Эрта пишар, нав. 38-50 кунда пишиб етилад. Ташқи томони силлиқ оқ рангда. Илдизи қисқа. Мева эти оқ

		Ҳосилдорлиги 5,8- 6,7 кг\м <sup>2</sup>		ялтироқ. Ҳосилдорлиги 6,8-7,7 кг\м <sup>2</sup> .
3	<b>Солнишко</b>	Эрта пишар пояси туп ҳосил килади.. Биологик етилганда сариқ. Ети юмшоқ, серет. Ўрта пишар. 58-69 кунда етилади. Ҳосилдорлиги 4,0-4,7 кг\м <sup>2</sup> .	<b>Солнышко X Карапуз</b>	Эрта пишар. сарик. Меваси 16- 18 гр келади. Меваси тўлиқ, серет, жуда майин. 5 см катталиқда.. Ҳосилдорлиги 10 кг\м <sup>2</sup> . Мева ранги сарик
4	<b>Марсианин</b>	Эрта пишар нав. Мева пишиши 42- 45 кун. Мева шакли диск шаклида. Четлари икки карра тишчали. Мева ранги яшил . Мевасини оғирлиги 200-250 гр келади...	<b>Марсианин X Арбузинка</b>	Эрта пишар. Ранги яшил. Йўл- йўл чизиғи бор. бодрингга ўхшаб таъм беради. 38- 39 кунда тўлиқ етилади. Ҳосилдорлиги 10 кг\м <sup>2</sup> .



1-расм. Диск X Летаящая тарелка



2-расм. Солнишко X Карапуз



3-расм. Марсианин X Арбузинка



4-расм. Самbrero X Сун

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Т., 2016, 2017, 2018 йй.
2. Арасимович В.В. Биохимия дини - М., 1938. - Т. ИВ. Ашурметов О.А., Буриев Х.Ч. Репродуктивная биология представителей семьи Сусурбитасеае Жусс. Тошкент «ФАН» 2002. –С.159.
3. Балашов Н.Н. Бахчеводство – Ташкент Ўқитувчи, 1976. - С. 66-77. Бакчевые культуры - Киев: Аграрная наука., 2000. - 330 с.
4. Белик В.Ф. Бахчеводство - М.: «Колос», 1982. -164 с.
5. Белякова Е.В. Хранение дин - Астрахан, 1978. - вып. 7. - С. 3-5.
6. Бойко Г.Н. Влияние доз и способов внесения удобрения на накопление нитратов -Киев: Аграрна наука, 1994. - С. 40-43.
7. Бахчеводство (тиквенные растения) - М.- Л.:Селхозгиз, 1929. — С. 406-425.